Тадқиқот ишини бажариш бўйича

№ 43/22 - ШАРТНОМА

2022 йил "23" мая | Тошкент шаҳри

**Аму-Бухоро машина канали Қизилтепа туман бошқармаси** (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб номланувчи) ***Низом*** асосида иш юритувчи раҳбар **С.Т.Кодиров** бир томондан ва ***Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти директор А.Б.Уразкелдиев.*** (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб номланувчи) иккинчи томондан ***институтнинг низоми*** асосида иш юритиб ушбу шартномани тузди лар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 "Буюртмачи" **Аму-Бухоро машина канали Қизилтепа туман бошқармаси**

***"Аму-Бухоро машиналар каналида ирригацион насос станцияларининг энергия самарадорлигини ошириш"***

мавзусида тадқиқот олиб бориш бўйича топшириқ беради, "Бажарувчи" топшириқни бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2 Шартнома бўйича тадқиқот иши натижаларини топшириш вақти ***31.12.2022 йил***

1.3 Шартнома асосий босқичларининг таркиби ва бажарилиш вақти шартномани бажаришнинг тақвимий режасига асосан белгиланади.

1.4 Топшириқни бажариш бўйича илмий-техник ҳисоботни қабул қилиш ва баҳолаш шартнома техник-иқтисодий асосланмаси бандларига мувофиқ амалга оширилади.

1.5 Илмий-техник маҳсулотдан суғорма деҳқончилик соҳасида фойдаланилади.

## 2. ШАРТНОМА ИШИНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1 Бажарилган илмий-техник топшириқ учун "Буюртмачи" 1-иловасидаги шартнома қиймати тўғрисидаги келишувга мувофиқ "Бажарувчи" ҳисобига

***100 000 000*** ***(Бир юз миллион)*** сўм ўтказади.

2.2 Ҳақ тўлаш **"Буюртмачи"** ва **"Бажарувчи"** келишувига мувофиқ бажарилган иш учун босқичма-босқич амалга оширилади.

2.3 Шартнома имзолангандан кейин **"Бажарувчи"** ўз мажбуриятларини бажаришга киришиши учун **"Буюртмачи"** йиллик шартнома қийматининг 30 % ига тенг маблағни бўнак сифатида **"Бажарувчи"**нинг ҳисоб рақамига ўтказади.

2.4. Шартнома умумий суммасининг қолган 70 % и ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаларига асосан қонунда белгиланган тартибда ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.

## 3. БАЖАРИЛГАН ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1 Шартнома иши бажарилишининг алоҳида босқичларида бажарилган ишнинг натижалари тақвимий режага мувофиқ (илова 2) тарзда қисқача ахборот-ҳисобот кўринишида тақдим қилинади ва топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактураси билан ҳужжатлаштирилади.

3.2 Тадқиқот иши тўлиқ бажарилгандан кейин "Бажарувчи" "Буюртмачи"га бажарилган ишлар натижалари бўйича якуний тўлиқ хисобот тақдим этади.

3.3 Тадқиқот иши муддатидан олдин бажарилган тақдирда "Буюртмачи" уни муддатидан олдин қабул қилиш ҳуқуқига эга ва белгиланган тартибда хақ тўлайди.

3.4 Тадқиқот ишининг бажарилиш жараёнида натижаларнинг салбий бўлиши муқаррарлиги ёки ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, "Бажарувчи" ишни тўхтатиши ва бу ҳақда иш тўхтатилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида "Буюртмачи"га маълум қилиши шарт. Мазкур ҳолатда томонлар 10 кун ичида ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқишлари лозим.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун **"Буюртмачи"** ва **"Бажарувчи"** амалдаги қонунлар доирасида жавобгар бўладилар.

4.2 Шартнома иши бажарилиши жараёнида ишнинг бажарилиши учун таъсир этадиган форс-мажор (табиий офатлар ва бошқа) ҳолатлар юзага келганлиги туфайли мажбуриятлар бажарилмай қолса, бажарилмаган мажбуриятлар учун **"Буюртмачи"** ва **"Бажарувчи"** жавобгар бўлмайдилар.

## 5. БОШҚА ШАРТЛАР

5.1 Шартнома доирасида яратилган илмий-техник маҳсулотга томонлар Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларига риоя қилган ҳолда муносабатда бўладилар ва унга тенг ҳуқуқли эгалик қиладирлар.

5.2 Томонларнинг ўзаро келишуви асосида бошқа қўшимча шартлар ҳам қўлланилиши мумкин.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ

6.1 Ушбу шартноманинг муддати 2022 йил «____» майдан 2022 йил «31» декабргача белгиланади. Бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар учун тузилган шартномалар Ғазначилик бўлинмасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва амал қилиш муддати 2022 йил «31» декабргача белгиланади.

6.2 Томонларнинг манзиллари ва ҳисоб рақамлари:

**"Буюртмачи"**

**Кизилтепа туман АБМК бошкармаси**

Л/с: 10 00 10 86 01 22 16 70 42 40 2170 001
ИНН: 200017218, ОКОНХ: 22100
ОПЕРУ КАЗНАЧЕЙСТВА МИН.ФИН.РУз
Каз/сч: 23402000300100001010
МБ ББ ХККМ Тошкент ш.
МФО: 00014
ИНН: 201122919

**"Бажарувчи"**

**Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти**

Манзил: Тошкент шаҳри
100187, Қорасув-4, 11-уй
Тел/факс: 99 434 43 28
Л/с: 400110860262697048230170001
ИНН: 302259434, ОКОНХ: 95120
ОПЕРУ КАЗНАЧЕЙСТВА МИН.ФИН.РУз
Каз/сч: 23402000300100001010
МБ ББ ХККМ Тошкент ш.
МФО: 00014
ИНН: 201122919

**Кизилтепа туман АБМК бошкармаси бошлиғи**

_____________ С.Кодиров

2022 йил "___" ____________

**Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти директори**

_____________ А.Уразкелдиев

2022 йил "___" ____________

**Ўзбекистон Республикаси**
**Сув хўжалиги Вазирлиги**
**Аму-Бухоро машина**
**каналидан фойдаланиш**
**бошқармасига қарашли**
**Қизилтепа туман бошқармаси**

**Ministry of Water recources**
**Republic of Uzbekistan**
**Kiziltepa district administration**
**under administration of exploiting**
**Amu-Bukhara machine canals**

КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК

**Қизилтепа шаҳри,210400 Ўзбекистон шоҳ кўчаси-37**
**Телефон ( Факс)8 436 555 28 37 ХХТУТ: 22100**
**Х/Р:10001086012216704240217001,Марказий банк Тошкент ш.**
**ХКМ ш.б.б. Код: 00014 ИНН: 200017218**
**E-mail: qiziltepa_abmk@mail.ru , qiziltepa_abmk@doda.uz**

**210400 №37 street Uzbekistan Kiziltepa city Navoiy region**
**Tel(faks): 8 436 555 28 37 Code career: 22100**
**The bill: 10001086012216704240217001,Central bank Tashkent city**
**Code: 00014 NR: 200017218**
**E-mail: qiziltepa_abmk@mail.ru, qiziltepa_abmk@doda.uz**

КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КРУ АБМК КР

23 май 2022 й. Кизилтепа ш.

# Х У К У К И Й  Х У Л О С А.

Аму-Бухоро Машина канали Кизилтепа туман бошкармаси бошлиги С.Т.Кодиров, хамда Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадкикот институти рахбари А.Уразкелдиев уртасидаги Кизилтепа туман АБМК бошкармасидаги насос станцияларнинг энергия самарадорлигини ошириш мавзусида илмий тадкикот ишларини бажариш тугрисида 2022 йил 23 майда тузилган №43/22 сонли шартнома лойихаси юзасидан Узбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида» ги конуннинг 20-21 моддаларига асосан утказилган хукукий тахлилга кура куйидагилар аникланди:

Шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада, узбек тилида тузилган.

Шартномада тарафларнинг мажбуриятлари, кушимча шартлар ва унинг хукукий кучга кириш вакти хамда амал килиш муддати аник килиб белгиланган.

Шартнома шартлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган такдирда тарафларнинг жавобгарлиги масаласи Узбекистон Республикаси конунлари доирасида курсатилган.

Шартнома муддати: 23.05.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача килиб белгиланган.

Шартнома 100 000 000 (Бир юз миллион) сўм микдорида тузилиб, хисоб-китоб килиш тартиби Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 24 августдаги №241 сонли карори талабларига тугри келади.

Тузилган шартнома юзасидан вужудга келиши мумкин булган низони ечиш тартиби томонларнинг келишувига асосланиши, музокаралар оркали хал этилмаган такдирда вилоят иктисодий суди томонидан куриб чикилиши таъкидланган.

Томонларнинг юридик шахс сифатида давлат руйхатидан утганлиги, манзили, тартиб ракамлари тугри хамда конуний эканлиги текширилди.

Шартнома шартлари Узбекистон Республикаси амалдаги конунлари ва хукук нормаларига, шунингдек фукаролик кодексининг 693-702 моддалари ва «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида» ги конуннинг 10-15 моддалари талабларига мос келади.

**Кизилтепа АБМК**
**бошкармаси хукукшуноси:**

MAZKUR SHARTNOMA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING FARMON va QONUNLARI HAMDA XO'JALIK YURITUVCHI SUBЕKTLAR FAOLIYATINING SHARTNOMAVIY HUQUQIY BAZASI TO'G'RISIDAGI QONUNLARI ASOSIDA TUZILGAN
"23" V 2022 yil